

METHODS OF RESOLUTION OF LABOR DISPUTES: NEW TRENDS

Tursunov Nuriddin
Master's degree from Tashkent State Law University

Abstract:

The article describes the work being done to introduce modern mechanisms for resolving disputes in the field of labor law. Also, other (alternative) methods of resolving labor disputes have been analyzed on the basis of research conducted by the International Labor Organization's Research Center and the experience of developed countries.

Keywords:

Labor law, labor disputes, trends, modernity, alternative methods, mediation, arbitration.

Хизирги кунда аксарят ривожланаган хорижий давлатларнинг меҳнат қонунчилигига юзага келган меҳнат низолари имкон қадар низо иштирокчиларига уни ҳал қилишга мажбурият юклаш билан боғлиқ бўлмаган воситалар билан бартараф этишга қаратилган. Низоларни бундай усулда ҳал қилиш учун белгиланган тартиб-қоидалар ижтимоий шериклик концепциясига асосланади. Шу билан бирга, низони ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда, якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органларга иштирокчилар учун мажбурий ижро этилиши лозим бўлган қарорларни қабул қилиш ваколатлари берилди.

Муайян низони кўриб чиқиш ва ҳал қилиш усувларни ўрнатиш амалий нуқтаи назардан жуда муҳимдир, чунки бу низони ҳал қилишга ваколатли орган ва низони кўриб чиқишда зарур бўлган тартибларни белгилайди. Шу билан бирга бу масала қўпгина назарий муаммолар билан боғлиқ, чунки фарқларни ҳал қилиш йўли низонинг субъектлари, предмети, юрисдиксияси ва шу каби хусусиятларига боғлиқ. Шубҳасиз, низони ҳал қилиш усулини белгилаш низонинг ҳар тарафлама хусусиятларидан келиб чиқадиган натижа ва холосанинг бир тури эканлигини таъкидлаш мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги меҳнат қонунчилигига меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг икки усули, яъни меҳнат низолари комиссияси ва судда кўриб чиқиш шакилланган. Меҳнат низолари соҳасидаги етакчи эксперталардан бири – В. Н. Толкунова меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг бу икки усулини меҳнат низоларини ҳал қилишнинг умумий усувлари деб атаган².

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 260-моддасига кўра якка меҳнат низолари:

меҳнат низолари комиссиялари томонидан;
туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқиласди.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир³.

Шунингдек, мамлакатимиз меҳнат қонун ҳужжатларида меҳнат низоси тарафи аввало бевосита иккинчи тараф билан музокаралар орқали келишувга эришишга ҳаракат қилиши лозимлиги тахмин қилинади. Меҳнат кодексининг 263-моддасида башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилиши

¹ Гонцов Н.И. Трудовые споры и способы их разрешения // Вестник Пермского университета. Вып. 3: Юридические науки. 2003. - С. 98103.

² Толкунова В.Н. Справочник судьи и адвоката по трудовым спорам. М., 2004.

³ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон

белгиланган. Бунда ўз ҳуқуқларини бузилган деб ҳисоблаган ходим биринчи ўринда иш берувчи билан бевосита музокаралари олиб бориш орқали низони тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилиши лозимлиги кўринади. Кўп ҳолларда жамоа шартномаларини ишлаб чиқишида иш берувчи ва касаба уюшмалари ёки ходимларининг бошқа вакилллик органлари ижтимоий шериклик принсипларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича келишиб оладилар.

Меҳнат келишмовчиликларнинг сони ва хилма-хиллиги кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бунга харажатлар билан боғлиқ муаммолар, ишларни кўриб чиқишида ортиқча юк ва кечикишлар, мустақиллик ва холисликнинг йўқлиги, мураккаб ва расмий тартиб-қоидалар, самарасиз воситалар ва ижтимоий мулоқотга асосланган ихтиёрий равишида олдини олиш ва ҳал қилиш имкониятларининг камлиги. Бунга кўпчилик давлатлар ислоҳотлар билан жавоб беришди. Баъзи юрисдикцияларда янги низоларни ҳал қилиш институтлари пайдо бўлди ёки кириб келди. Бошқа давлатлар процессуал қоидаларни ўзгартирилар⁴. Меҳнат ҳуқуқида бир қатор замонавий тенденцияларнинг ривожланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришда сезиларли ўзгаришлар, меҳнат соҳасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг халқаро миқёсида шакилланиши, давлатлар ҳуқуқий тизимининг бир бирига таъсири натижасидир. Бу эса, меҳнат низолари ҳал қилишнинг бошқа (муқобил) усусларини қўллаш, жумладан медиация институтидан самарали фойдаланишини тақозо этмоқда.

Меҳнат низоларини ҳал қилиш усусларини мавзуси шуниси билан долзарбки, бугунги кунда низоларини ҳал қилишнинг мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида янги бўлган бошқа (муқобил) усуслари қўлланила бошлаши билан ҳуқуқимизга янги тушунча ва атамалар кириб келди. Бу эса, уларни илмий ва амалий ишлар доирасида ўрганишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда, хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан меҳнат низоларини ҳал этишнинг анъанавий (умумий) усуслари билан бир қаторда низоларни ҳал этишнинг муқобил воситаларини қўллаш масаллаларида ҳам фаол илмий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Чунончи, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар доирасида Якка меҳнат низоларини ҳал қилиш. Қиёсий таҳлили (Resolving individual labour disputes: a comparative overview), Меҳнат муносабатларида воситачилик (Mediation in Labour Relations) мавзуларидаги тадқиқиот ишларини кўришимиз мумкин.

Кўпчилик мамлакатлarda меҳнат низоларини муқобил ҳал этиш усуслари меҳнат низоларини харажатлари юқори бўлмаган ҳамда низони тез ҳал қилиш йўлларини топишга ҳаракат қилиш натижасида низони келишув, воситачилик (медиация), арбитраж ёрдамида ҳал қилиш усусларига кўпроқ мурожаат қилинишига олиб келди. Медитация суд қарорига нисбатан тезкор, мослашувчан ва арzonроқ варяント сифатида қаралади⁵.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган меҳнат низоларини ҳал қилишнинг анъанавий улуллари ходимлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган миллионлаб фуқароларнинг, шунингдек иш берувчиларнинг манфаатларини тўла таъминлай олмайди. Шуларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда давлат органларининг аҳол билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ислоҳатларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низони судгача кўриб чиқишининг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган

⁴ <https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/> Resolving individual labour disputes: a comparative overview / edited by Minawa Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick ; International Labour Office. - Geneva: ILO, 2016.

⁵ <https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/> A.Kumar. Mediation in Labour Relations. ILO. Bangkok.

низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда⁶.

2018 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги қонуни билан мамлакатимиз қонунчилигига низоларни медиация тартибтаомиллари воситасида ҳал қилиш усули кириб келди. Қонуннинг З-моддасида медиация тартиб-тамоиллари якка меҳнат низоларига нисбатдан қўлланилиши белгиланган ⁷. Ушбу қонуннинг мақсади низоларни кўриб чиқишининг бошқа (муқобил) усулларини ривожлантириш учун хуқуқий шарт-шароитлар яратишдан, суд тизимиға тушадиган иш ҳажмини камайтиришдан иборат. **Медиация** — келиб чиқсан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида мериатор кўмагида ҳал қилиш усулидир. Медиация медиаторнинг низолашаётган шахсларга махсус мулоқот ва музокаралар орқали низони ҳал қилишда воситачилик қилиши асосида низони ҳал қилиш жараёни. Медиациянинг барча иштироқчилари ушбу жараёнда ихтиёрий иштирок этади. Медиация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг хуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

Меҳнат низоларини ҳал қилишнинг медиация воситаси низони ҳал қилишнинг бошқа усулларига қараганда қуйидаги бир қатор афзалликлари эга:

- медиация жараёни қисқа муддатларда амалга оширилиши;
- ишга тааллуқли барча маълумотлар мутлақо сир тутилиши;
- медиация натижасида иккала тараф учун мақбул келишувга эришилиши.

Медиацияни қўллашнинг судларда иш ҳажмининг қисқаришига, суд жараёни билан бўғлиқ процессуал ҳаракатлар ва харажадларнинг қисқаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019-йил 31-январдаги 54-мҳ-сон буйруғи билан Медиаторларни тайёрлаш дастури⁸ тасдиқланди. Ушбу дастур билан шартнома асосида 72 соатдан кўп бўлмаган махсус ўқув курсларида профессионал медиаторларни тайёрлаш ва тегишли сертификатлар бериш амалиёти йўлга қўйилганлиги ҳам меҳнат соҳасидаги низоларни воситачилик усули билан ҳал қилиш амалётини йўлга қўйиш борасида ижобий ўзгариш дейишимиз мумкин.

Мамалакатимиз қонунчилига янги кириб келган медиация институти бугунги кунда аксарият ривожланган хорижий давлатларда низоларни ҳал қилишнинг энг кўп қўлланиладиган ва самарали усулига айланган. Масалан, ҳозирда АҚШ да кўриб чиқилган низоларнинг 5 фоиздан камроғи тўлиқ суд муҳокамасига тўғри келади. Ушбу статистиканинг муҳим омили медиациядан муввафқиятли фойдаланиш бўлиб, медиация кўрилган низолар тахминан 80 фоиз томонларнинг келишуви билан ижобий ҳал этилишига олиб келган⁹.

Медиация воситасида низоларни ҳал қилиш Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой каби жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида ташкил этилган ва самарали фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, 2008 йил 1 майда қабул қилинган Хитой Халқ Республикасининг "Медиация ва меҳнат низолари арбитражи тўғрисида"ги қонуни¹⁰ га асосан медиация ва меҳнат низолари арбитражилари меҳнат низоларини адолатли ва ўз вақтида ҳал этиш, томонларнинг қонуний

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 17 июндаги ПК-4754-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020-й., 07/20/4754/0771-сон)

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Медиация тўғрисидаги қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020-й., 03/20/602/0052-сон)

⁸ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019-йил 31-январдаги Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақидаги 54-мҳ-сон буйруғи (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2020 й., 10/20/3134-1/1201-сон)

⁹ https://www.skuld.com/topics/legal/_US_vs_UK_-_a_comparison_of_mediation_processes

¹⁰ <https://chinahelp.me/>

манфаатларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муносабатларининг барқарорлиги ва уйғунылигига күмаклашиш вазифаларини бажаради.

Меҳнат низоларини ҳал этишнинг яна бир воситаси бу арбитраж, яъни ҳакамлик усулидир. Ривожланган мамлакатларда меҳнат низоларини арбитраж судларида ҳал қилиш тартиби кенг қўлланилади. Айрим давлатларда меҳнат низоларини кўрувчи алоҳида меҳнат арбитражи суди фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Германияда уч босқичли меҳнат судлари жорий этилган бўлса, Испанияда меҳнат низоси судда кўриб чиқилишидан олдин медиация ёки арбитражда мажбурий кўриб чиқилиши лозимлиги белгилаб қўйилган¹¹.

Ҳозирда Ўзбекистонда меҳнат арбитражи мавжуд эмас. Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент ҳалқаро арбитраж марказини ташкил этилган. Бироқ, меҳнат низоларини ҳал қилиш унинг вазифаси этиб белгиланмаган. 2021 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикасининг Ҳалқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонуни қабул қилинган бўлсада, ушбу қонун қоидалари меҳнат низларини ҳал қилишга нисбатдан қўлланилмайди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган меҳнат низоларини ҳал қилиш усуллари меҳнаткашлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳилоя қилишни таъминламайди. Шунингдек, якка меҳнат низоларини қўпайиб бораётганлиги, меҳнат қонунчилигига меҳнат низоларини ҳал қилишнинг яраштириш ва воситачилик усули фақат умумий нормалар доирасида белгиланиши, меҳнат низоларини ҳал қилишнинг ҳакамлик усули жорий этилмаганлиги, жамоаларга тегишли меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиблари аниқ очиб берилмаганлиги буғунги кунда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шуларни инобатга олиб, меҳнат қонун ҳужжатларининг меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ нормаларини қайта кўриб чиқиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда меҳнат қонунчилигига меҳнат низоларини ҳал этишнинг яраштириш, воситачилик ва ҳакамлик усулларини белгиловчи нормалар киритиш лозим бўлади. Чунончи, меҳнат низоларни ҳал этиш ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг энг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гонцов Н.И. Трудовые споры и способы их разрешения // Вестник Пермского университета. Вып. 3: Юридические науки. 2003. - С. 98103.
2. Толкунова В.Н. Справочник судьи и адвоката по трудовым спорам. М., 2004.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон
4. <https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/> Resolving individual labour disputes: a comparative overview / edited by Minawa Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick ; International Labour Office. - Geneva: ILO, 2016.
5. <https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/>. A.Kumar. Mediation in Labour Relations. ILO. Bangkok.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020-й., 07/20/4754/0771-сон
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020-й., 03/20/602/0052-сон
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2020 й., 10/20/3134-1/1201-сон
9. <https://www.skuld.com/topics/legal/> US vs UK - a comparison of mediation processes <https://chinahelp.me/>
10. <https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/> Руководство по совершенствованию системы урегулирования трудовых споров. Международный учебный центр МОТ. 2014. Turin

¹¹<https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/> Руководство по совершенствованию системы урегулирования трудовых споров. Международный учебный центр МОТ. 2014. Turin,